

Халқ Сўзи

1991 йил 1 январдан
чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

26 июль, шанба, 1997 йил
Сотувда эркин нархда. № 156 (1673)

Чўлпонота
шаҳрида Ўзбекистон,
Қозоғистон ва Қирғизистон
Республикалари
Давлатлараро Кенгашининг
навбатдаги мажлиси
ниҳоясига етди.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ:

ИНТЕГРАЦИЯ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ



СУРАТДА: Давлатлараро Кенгаш мажлиси пайти.



Собир ЗУФАРОВ (ЎЗА) олган сурат.

Аввал хабар қилинганидек, Қирғизистоннинг Чўлпонота шаҳрида Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон Республикалари Давлатлараро Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Уч мамлакат раҳбарлари -- Ислон Каримов, Нурсултон Назарбоев ҳамда Аскар Акаев 24 июль кuni шу ерда учрашди. Самимий ва ошқорона руҳда ўтган мазкур учрашувда Президентлар бугунги кунда мамлакатларимиз учун муҳим аҳамиятга эга бўлган масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашдилар. Давлат раҳбарларининг салкам икки соат давом этган мулоқоти чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий интеграцияни янада чуқурлаштириш, ягона иқтисодий макон доирасида ҳозирга қадар имзоланган ҳужжатларни амалда жорий қилиш жараёни, шунингдек, минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, халқаро ҳаётдаги долзарб муаммолар бўйича ўзаро умумий нукта назарни ишлаб чиқиш ва бошқа қатор муҳим масалалар муҳокама қилинди.

Маълумки, бундан уч йил бурун иқтисодий интеграция учун зарур шарт-шароит яратилиш мақсадида Ўзбекистон, Қозоғистон ҳамда Қирғизистон ўртасида ягона иқтисодий макон тузиш тўғрисидаги шартнома имзоланган эди. Ўтган қисқа давр мобайнида ушбу шартнома доирасида сезиларли натижалар қўлга киритилди. Жумладан, Марказий Осиё Ҳамкорлик ва тараққиёт банкига асос солинди, эллидан зиёд кенг қамровли лойиҳаларни ўз ичига олган интеграция дастури тасдиқланиб, ҳаётга татбиқ этила бошлади. Шунингдек, минтақада ишчи кучи ва товарларнинг эркин айланиши, валюта сиёсати, солиқ ва божхона масалалари бўйича ҳам кўпгина ишлар амалга оширилди. Энг муҳими эса, иқтисодий интеграциялашув иштирокчи давлатлар иқтисодиётининг юксалишида ўз таъсирини кўрсата бошлади.

Уч давлат раҳбарларининг учрашуви чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий интеграция жараёни янада чуқурлаштиришнинг амалий чораларини кўриш муҳим вазифа экани алоҳида таъкидланди. Шу мақсадда Президентлар иштирокчи давлатлар Бош вазирлари Кенгашига энергетика, сув захиралари, ягона коммуникация маконини шакллантириш, минерал-ҳомашё ресурсларини қазиб олиш ва қайта ишлаш, озиқ-овқат sanoati, шунингдек, ҳудуддаги барча турдаги захиралар-

дан оқилона фойдаланиш бўйича халқаро консорциумлар тузиш ҳақида Давлатлараро Кенгашининг навбатдаги мажлиси аниқ ва асосли таклифлар тайёрлашни топширишди. Ўз ўзидан кўриб турибдики, ушбу сайё-ҳаракатлардан кўзда тутилган асосий мақсад Марказий Осиёда ягона бозорни шакллантиришдир.

Мамлакатларимизнинг ўзаро интеграциялашувини чуқурлаштириш мақсадида қабул қилинган қўшма лойиҳаларни амалга оширишда Марказий Осиё Ҳамкорлик ва тараққиёт банкининг («Центразбанк») алоҳида ўрни бор. Учрашувда ушбу банк фаолияти, шунингдек, Европа Иқтисодий Комиссияси, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳамда Осиё ва Тинч Океани ҳавзаси мамлакатлари бўйича иқтисодий комиссия (ЭСКАТО) билан ҳамкорликда Марказий Осиё иқтисодиёти учун махсус дастур ишлаб чиқиш билан боғлиқ масалалар ҳам атрафлича муҳокама этилди. Хусусан, «Центразбанк» билан Европа Тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё Тараққиёт банки, «Токио-Мицубиси» каби йirik халқаро молиявий ташкилотлар ўртасида ҳамкорликни янада кенгайтириш зарурлиги таъкидланди.

Ўзаро интеграция жараёнининг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш ҳам бугунги кунда, айниқса, муҳимдир. Бошқача айтганда, интеграция ривожининг ҳуқуқий механизми қай даражада эканига кўп томондан боғлиқ. Учрашувда интеграциянинг ҳуқуқий механизмининг яратиш мақсадида уч республика парламентлари аъзолари Кенгашини тузиш тўғрисида қарор қабул қилингани ҳам айнан шундан далолат беради.

Ижтимоий-иқтисодий тараққиётга эришишнинг муҳим шартларидан бири минтақада тинчлик ва барқарорликни сақлаш ҳам бевосита боғлиқдир. Шу маънода, бугун Афғонистонда кечаётган воқеалар унга қўшни давлатларни ташвишга солиши табиий. Президентлар мазкур масалада ўзларининг ягона нуктаи назарда эканини билдириб, Афғонистон моjarоси тинч музокаралар йўли билан ҳал этилиши лозим, дея таъкидладилар. Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов ҳамда Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев Қирғизистон Президенти Аскар Акаевнинг Бишкекда БМТ раҳнамоларида Афғонистон бўйича халқаро тинчлик конференциясини ўтказиш тўғрисидаги таклифи-

ни қўллаб-қувватлади. Ушбу анжуманда Афғонистонда ўзаро курашаётган томонлар ҳамда барча қизиқувчи мамлакатлар вакиллари иштирок этади.

Мамлакатимиз раҳбари мазкур конференцияни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти раҳнамоларида ўтказиш муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Зеро, шундагина конференция амалий натижа бериши мумкин. Шунингдек, мулоқот чоғида БМТнинг заҳирадаги қўллари сифатида кирувчи Марказий Осиё тинчликни сақлаш батальони («Центразбат») фаолиятига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Маълумки, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон раҳбарларининг 1996 йил Бишкекда бўлиб ўтган учрашувида мамлакатларимизда кечаётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар ҳақида қўшни давлатларга кенгрок ахборот бериш ҳамда ўзаро таъриба алмашиш учун «Марказий Осиё: интеграция муаммолари» журналини ташкил этишга қарор қилинган эди. Чўлпонота учрашувида Президентлар ушбу журналнинг Бош муҳарририни тасдиқладилар. Томонларнинг ўзаро розилигига кўра, Ўзбекистон томонидан тавсия этилган Одибек Кайипбергенов «Марказий Осиё: интеграция муаммолари» журналининг Бош муҳаррири этиб тасдиқланди.

Президентлар ўтган уч йил мобайнида биргаликда амалга оширилган ишлар натижаларини муҳокама қилар экан, мамлакатларимиз ўртасидаги интеграциявий тараққиёт учун мустаҳкам асос яратилганини таъкидладилар. Шунингдек, учрашувда ўтган давр мобайнида иштирокчи давлатлар ўртасида имзоланган шартнома ҳамда битимларни амалга ошириш учун умумий салоҳиятга таянган ҳолда зарур чора-тадбирларни кўриш бугунги куннинг энг асосий вазифаси экани қайд этилди.

Музокаралар сўнггида иштирокчи давлатлар раҳбарлари уч томонлама қўшма ҳужжатларни имзоладилар. Улар орасидан ягона иқтисодий макон шартномасига аъзо мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий интеграцияни янада чуқурлаштириш бўйича амалий чора-тадбирлар кўриш тўғрисида имзоланган қарорни алоҳида таъкидлаш

жоиз. Зеро, ушбу қарор мамлакатларимиз иқтисодиётининг бир-бирига янада яқинлашуви, Марказий Осиёда ягона бозорнинг шаклланиши, шунингдек, мавжуд иқтисодий қийинчиликларни имкон қадар тезроқ бартараф этишда муҳим аҳамият касб этади.

Таомилга кўра, ҳужжатларни имзолаш маросимидан сўнг оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани бўлди. Шунингдек, керакки, журналистларни энг кўп қизиқтирган масалалар иштирокчи давлатларнинг ягона иқтисодий макон шартномаси доирасидаги ҳамкорлиги истиқболда ҳамда минтақа хавфсизлигига тааллуқли бўлди. Журналистларнинг ягона иқтисодий макон шартномаси доирасида иштирокчи давлатларнинг ўзаро ҳамкорлиги тўғрисидаги саволларига жавоб қайтарар экан, мамлакатимиз раҳбари ушбу шартноманинг асосий мақсади иқтисодий интеграция эканини таъкидлади.

Марказий Осиё мамлакатларининг ушбу иқтисодий бирлиги аввал бошдақоқ иштирокчи томонлар ўртасида интеграция жараёнларини чуқурлаштириш, ўтиш даври қийинчиликларини биргаликда енгил мақсадида ташкил этилган барчага маълум, -- деди, жумладан, Ислон Каримов. -- Бугунги кунда айрим оммавий ахборот воситаларининг уч республика ўртасидаги ушбу шартномани бошқача талқин этаётгани эса маълум фарзали мақсадларга қаратилгандир. Бу ишда кимларнингдир ғайир манфаатлари борлигини тушуниш қийин эмас.

Яна бир гапни алоҳида таъкидлаб айтмоқчиманки, -- деди Президентимиз сўзида давом этиб, -- Марказий Осиё давлатларининг мазкур иқтисодий бирлигини жуғрофий-сиёсий тусдаги Россия-Беларус иттифоқи билан қиёслаш мутлақо нотўғри. Ўзбекистон ҳеч қачон бундай иттифоқларга қўшилмайди. Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги ягона иқтисодий макон шартномасининг асосий мақсади ўзаро ҳамкорликда иқтисодий тараққиётга эришишдир.

Минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, хусусан, Афғонистондаги моjarоларни бартараф этиш хусусидаги саволга Президентлар ягона нуктаи назарда жавоб қайтардилар.

Мамлакатимиз раҳбари Ислон Каримов Афғонистонда

кечаётган моjarоларни бартараф этишнинг ягона йўли урушаётган томонлар ўртасида музокаралар ўтказиш эканини таъкидлаб, жумладан, бундай деди:

Афғонистондаги моjarолар яқун топиши учун урушаётган томонлар қурол ишлатишдан воз кечмоғи, ўзаро тинч музокаралар йўлини танламоғи лозим. Биз Афғонистон моjarоси ҳақида ўз нуктаи назаримизни бир неча ой бурун ЭКОга аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг Туркменистон пойтахти Ашгабадда бўлиб ўтган саммитида ҳам аниқ-тиниқ баён этган эдик. Бугунги учрашувда Президент Аскар Акаев Бишкекда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти раҳнамоларида Афғонистон бўйича халқаро тинчлик конференцияси ўтказиш ташаббуси билан чиқди. Биз бу таклифни қўллаб-қувватладик. Шу ўринда таъкидлаш керакки, мазкур конференция БМТ раҳбарияти томонидан тасдиқланиб, мазкур халқаро ташкилот раҳнамоларида ўтсагина амалий аҳамият касб этиши мумкин. Умуман, биз Афғонистон муаммосини тинч йўл билан имкон қадар тезроқ ҳал этиш тўғрисидаги барча таклифларни қувватлаймиз.

Шунингдек, матбуот анжуманида Марказий Осиё тинчликни сақлаш батальони ҳамда Марказий Осиё Ҳамкорлик ва тараққиёт банки фаолияти билан боғлиқ масалалар хусусида ҳам сўз борди. Президентлар журналистларни қизиқтирган бошқа саволларга ҳам жавоб қайтардилар.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон, Қозоғистон ҳамда Қирғизистон Республикалари Давлатлараро Кенгашининг Чўлпонотада ўтган мазкур мажлисида минтақада иқтисодий интеграция жараёнларини янада чуқурлаштириш учун ўзаро бирдамлик, ҳамжиҳатлик ва омилкорлик зарур экани яна бир бор таъкидланди. Зеро, бу кўзланган мақсадга етиш учун энг мақбул йўлдир.

25 июль кuni мамлакатимиз раҳбари Ислон Каримов Чўлпонотадан Тошкентга қайтиб келди. Тошкент аэропортида мамлакатимиз раҳбарини Олий Махлис Раиси Э. Халилов, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Б. Ғуломов, В. Норов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлағанов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди. Кутиб олувчилик орасида Қирғизистоннинг Ўзбекистондаги Факултода ва Мухтор элчиси Б. Сиддиқов ҳам бор эди.

Фарҳод АРЗИЕВ,
ЎЗА махсус мухбири.
Чўлпонота - Тошкент.

• БУТУННИНГ ГАПИ

Телевидениемизни кузатиш. Радио эшитинг. Матбуотга кўз югуртириш. Ўзбекистон бунёдкорлик йўлидаги сайё-ҳаракатлар мамлакатига айланиб бормоқда. Шунчалик шиддатли равишда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни таҳлил этишга баъзида улгуролмай қолаямиз. Ватанимизда изчил амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жуда қисқа вақт ичидаёқ ўз самарасини бермоқдаки, ўтган ҳафта пойтахтни айланиб чиққан киши, бу кунисига ҳудди ўша жойда янги бир бино вужудга келаётганини, умуман олганда, юрт янгиланишлар силсиласида тобора гуркираб бораётганини англайди. Бундай ўзгаришларни барча вилоятларда ҳам кўриш мумкин.

Ўзбекистон, шунингдек, жаҳоний аҳамиятга молик масалаларда ҳам дунёнинг пешқадам давлатлари сафида ўз ўрнига ҳақ бўлиб бораётганини кузатамиз. Айниқса, умумбашариёт тақдири, жаҳон цивилизациясининг бурилиш нуқталарида унинг таъсири яққол сезилмоқда. Натижада бизга хайрихоҳ халқлар ва давлатлар сони тобора кўпаяётди. Ер юзининг оловли ҳудудига яқин саналмиш маконда жойлашган юртимизнинг шунчалар тез фурсатда ўзини ўнглаб олиши, тинчлик ва тотувлик шиорини дунёнинг қалбига таъсирли этиб етказишининг сабаби нимада? Аввало, давлатимиз ҳар қандай масалага, ўзбекча қилиб айтганда, ҳужажуринга, сипойилик қилиб ёндашаётгани йўқ. Ҳар бир сўзимиз, қарашларимиз, ниятларимиз амалда ўз исботини топаётми. Аслида, юртбошимизнинг ҳар бир сайё-ҳаракатида нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиё халқлари манфаати, мазкур давлатлар тараққиёти, келажакига қаратилган улкан мақсад муважжамки, у тарихий моҳияти жиҳатидан ўта аҳамиятлидир.

ДАРЁЛАР ҚЎШИЛСА, УММОНГА АЙЛАНАР

Кuni кеча Президентимизнинг Қирғизистон Республикасининг Чўлпонота шаҳрига сафари олдидан журналистларга берган интервьюсини ҳаяжон билан тингладим. Нафақат менинг, балки бутун ўзбек халқининг юртбошимизга нисбатан ҳурмати яна юз қарра ошди, деб ўйлайман. Аввало, шунинг таъкидлаш жоизки, мазкур регионда ҳар жабҳада вазият бирдамликни талаб қилаётми. Давлатимиз раҳбарининг бунчалар қуюнчаллик билан амалий тадбирлар қўллаш тарафдорли бўлаётгани беҳиз эмас. Ер курашининг бошқа жойларида озгина хавотирли вазият юзага келса, дунёнинг нуфузли ташкилотлари дарҳол ёрдам қўлини чўзиб, катта миқдорда маблағ ажратди, шу билан биргаликда бу ҳодисалар тез орада жаҳон доирасида муҳокама қилинади, деб таъкидлади Президентимиз. Бироқ бугунги кунда Афғонистонда рўй бераётган даҳшатли уруш оловининг тафти бевосита Марказий Осиё давлатларига ҳам сезилиб турибди. Токи инсоният тақдирига, мамлакатлараро тинчлик ва тотувликни барқарорлаштириш масаласига умумбашариёт эъзулик сифатида қараётган бўлса, албатта, Марказий Осиёга биринчи навбатда дунё ўзининг ўнг қўли билан қарши керак. Бу муаммо амалий жиҳатдан тўлиқ ўз натижасини топмай турибди. Шу боис бугун ҳар биримиз Президентимизнинг туркий халқлар тақдири ва келажакини ўз зиммасига олган инсон сифатида ардоқлашимиз, у кишининг атрофида жипсашилишимиз керак. Бошқа йўл ҳам йўқ.

Тепангизда ўқ визиллаб учиб турса, ҳаловатингиз йўқолади. Табиийки, келажак учун, оилангиз учун қайғуришга ҳам мажбурингиз қолмайди. Мамлакатимизда ҳужм сурган тинч кунлар эса Президентимиз томонидан олиб борилаётган одил сиёсатнинг маҳсулики, биз бу осийишталиқнинг қадрига етиб, эртанги саодатига янада ишонч билан қараб яшашимиз керак. Шундагина ҳамма нарса оийдиллашади.

Яна Чўлпонота шаҳридаги учрашувга қайтайлик. Мен шундай ҳулосага келдим -- бугун Марказий Осиёдаги ҳар бир давлат, гарчианд тараққиёт йўлини ўзи белгилла олган бўлса-да, айрича, ўз билангича ҳаракат қилиши мумкин эмас. Ва шу пайтгадча иқтисодий макон доирасида имзоланган барча ҳужжат ва қабул қилинган қарорлар ўз ечимини топиши керак. Бу ерда иқтисодиёт учун тенг манфаатли махсус дастур тузилиши асосий масалалардан бири сифатида ўртага ташланганлигини ўта муҳим аҳамиятга молик уриниш, деб ўйлайман. Қадим маънавияти чамбарчас, урф-одати этизак халқлар ҳеч қачон бир-биридан айро яшай билмайдилар. Очиғини айтганда, қардошлар орасида бирдамлик ва ҳамжиҳатлик гоёсининг шаклланиши айрим давлатларга унчалик ҳам хуш ёқаётгани йўқ. Буни ўшаларга манфаат юзасидан муте бўлиб қолган баъзи наширларнинг учур мухбирлари ёзаётган бир ёқлама мақолалардан ҳам сезиш мумкин. Довдираб айтилган алмойи-жалмоий фикрлар замирида эса Марказий Осиёнинг яхлитлашувини истамаган жижизак сиёсатдорларнинг бёмани мақсаллари ётибди. Муборак Қуръон Каримда шундай гап бор: «Эй, Мухаммад умматлари, биз сизларни миллатларнинг улуги қилиб яратдик...» Демак, дину эътиқоди бир халқлар ягона миллатдир. Бу улуг тушунча ҳеч замонда ўз қадрини йўқотмайди.

XXI аср бўсағасида бир-бирига талпинаётган халқларимизнинг ўзаро топшиб, бирикши қадим ва келажакнинг даъватидир. Кuni кеча давлатларимиз Президентларининг учрашувида шу улуг ишнинг амалий ифодасини кўргандай бўлдим.

Қўчқор НОРҚОБИЛ,
«Халқ сўзи» мухбири.

